



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 26 июнь, № 126 (8749)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ИИВ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир Колокольцевни қабул қилди.



Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари яқинда Доғистонда содир этилган террорчилик хуружи оқибатида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг оила аъзоларига ҳамдардик ва далда сўзларини билдирди.

Олий даражада эришилган келишувларнинг амалий ижроси кўриб чиқилди.

Терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, кибархавфсизлик ва рақамли экспортиза соҳаларидаги ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди.

Миграция соҳасида ҳамкорлик механизмларининг самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Аҳолининг кундалик истеъмолида гўшт, тухум, сут ва улардан тайёрланган маҳсулотлар катта ўрин эгаллайди. Шу боис паррандачилик, қоракўлчилик ва эчкичиликни ривожлантириш, озиқ-овқат инфляциясини камайтириш чоралари кўрилмоқда. Қолаверса, бу соҳаларда аҳолини банд қилиш ва даромадини ошириш имконияти ҳам кўп.

Масалан, 2023 йилда паррандачилик тармоғида 253 та лойиҳа амалга оширилди, бундай хўжаликлар сони 1 минг 300 тага етган, 4 мингта янги иш ўрни очилган. Келгусидаги истиқболли лойиҳалар учун халқаро ташкилот ва банклардан 420 миллион доллар жалб қилинмоқда.

Тақдимотда мутасаддилар паррандачилик тармоғини ривожлантириш стратегияси ҳамда бу йилги режалари юзасидан ахборот берди.

Жумладан, бу йил парранда гўшти ҳажми 700 минг тоннадан 800 минг тоннага, тухум етиштириш 8,5 миллиард донадан 10 миллиард донага етказилиши айтилди.

Бу тармоқдаги энг муҳим масала — насл. Юртимизда гўшт йўналишидаги парранданнинг 1-тартибли генетикаси йўқ, 2-тартибли генетика эса Венгриядан олиб келинган.

Жаҳон бозорига парранда генетикасининг 80 фоизи АКШ компаниясига тўғри келади. Шу боис улар билан ҳамкорликда паррандачиликда генетик технологияларни жорий қилиш ва наслчилик хўжаликларини ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, паррандачиликда кластер тизимини жорий этиш, тайёр бизнес лойиҳалар қилиб, тадбиркорларга бериш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Соҳа ривожини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча имкониятлар белгиланди. Унга кўра паррандачилик корхоналари 5 йилга ер солиғидан озод қилинади. Парранда

гўшти экспортга рухсат берилади. Тадбиркорларга берилган 35 миллион доллар арзон ресурсни қайтариш муддати 3 йилга узайтирилади.

Давлатимиз раҳбари озуқам захирасини кенгайтириш ва паррандачилик хўжаликларига марказлаштирилган тартибда етказиш бўйича ҳам топшириқлар берди.

Ҳозирги кунда юртимизда 39 та қоракўлчилик хўжалиги бор. Бухоро вилоятидаги 2 миллион гектардан зиёд яловда 2 миллион бош қўй боқилляпти. Булар, албатта, етарли эмас.

Шу боис қоракўл қўйини операция асосида хонадонларда боқиш таклифи билдирилди. Хусусан, Қоракўл, Қоровулбозор, Ёғдудан, Пешку, Жондор, Олот туманларида аҳолига қўйлар етказиб берилиб, ялов ва қудуқлар ажратилади. Озуқабоп ўсимликлар майдонлари кенгайтирилади.

Бу каби чоралар орқали қоракўл қўйларини 6 миллион бошдан 7 миллион бошга етказиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи чоғида эчкичиликни ривожлантириш бўйича топшириқ берилган эди. Шунга мувофиқ, Туркия ва Россиядан зотдор эчкилар олиб келиниб, наслик эчкичилик кластери ташкил этилди.

Худди шу тахлит, Мўғлистон тажрибаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Наманган ва Тошкент вилоятларига 5 минг бошдан наслик эчки олиб келиб, кўпайтириш зарурлиги айтилди. Бу икки йилда эчкилар сони 100 минг бошдан ошириш имконини беради.

Шунингдек, эчкичиликда ҳам наслик яхшилаш, жунни қайта ишлаш орқали кашемир ва тивит маҳсулотлари етиштириб, экспортини йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

МЎҒУЛИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турган Мўғлистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух 25 июнь куни Хоразм вилоятига келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Урганч халқаро аэропортида Мўғлистон раҳбари ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Мўғлистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух дастлаб Хива шаҳридаги Нуриллабой саройида бўлди. Мазкур сарой XIX аср бошларида бунёд этилган, мадраса, 100 дан ортиқ хона ва галерейлардан иборат тарихий мажмуадир. Сарой хоналарини безашда нафақат хивалик моҳир усталар, балки чет эллик рассом-декораторлар ҳам иштирок этган, улар саройнинг шарқона кифасига Европанинг модерн услубини сингдирилганлар. Хоналар ички кўриниши, каминлари, Венеция ойналари ва тилла суви югуртирилган бронзадан ишланган, биллур илгакли кандиллари билан ажралиб туради.

Мўғлистон раҳбари ва унинг рафиқасига сарой тарихи ҳақида маълумот берилди. Тарихий мажмуа 2017 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан реконструкция ва реставрация қилинган.

Мажмуа олий мартабали меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Сўнгра Мўғлистон Президенти бошчилигидаги делегация Хива шаҳридаги "Ичан қалъа" мажмуасини томоша қилди.

Маълумки, очик осмон ос-

тидаги музей деб ном олган "Ичан қалъа" мажмуаси ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. 26 гектар майдонда 58 та тарихий-мемориал обиди жойлашган музей-қўриқхонанинг фаолият бошлаганига 104 йил тўлди. 2020 йилда шаҳар Туркий дунёнинг маданий пойтахти, 2024 йилда эса Ислон дунёсининг туризм пойтахти, деб эълон қилинди.

Бу ердаги осориатқалар маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Олий мартабали меҳмон ташрифи давомида қадимий шаҳардаги Кўк минора, Кўҳна арк саройи, Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Ислон-хўжа минораси, Жума масжиди, Тошхўли мажмуаларини томоша қилди.

Ичан қалъанинг қадим кўчаларида меҳмонлар шарафига фольклор жамоаларининг чиқишлари, театрлаштирилган томоша намойиши этилди.

Делегация вакиллари музей-қўриқхона ходимлари, сайёҳлар, худудда фаолият кўрсатаётган хунармандлар билан сўхбатлашди.

Хоразмнинг тарихи, илмфан ривожига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар, бой маданияти ва санъати меҳмонларда эрқин таассурот қолдирди.

Тарихий обидаларга саёҳат янқунланган, олий мартабали меҳмон шарафига дастурхон ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Мўғлистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Аҳмаджон ШОКИРОВ,
Ў.А. муҳбири.

МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни маҳаллалар ободлигини таъминлаш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда барча дастурлар маҳаллаларда амалга оширилмоқда. Бу тизимга катта ваколат ва имкониятлар берилмоқда. Улардаги ободлик, муҳит ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин маҳалла бор. Шундан қарийб 3 мингтаси кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, уларга 821 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатмоқда.

Ҳовли уйлар жойлашган 6 минг 400 дан зиёд маҳаллаларда эса ободонлаштириш ва кўчаларнинг янгилаштириш ишлари, асосан, ҳашар билан қилинади.

Шу боис бундай жойларда "Маҳалла сервис компанияси" ташкил қилиш так-

лиф этилмоқда. Унга кўра бу ташкилотлар маҳаллаларни ободонлаштириш билан шуғулланади, кўчалар ва ариқлар тозаланиши таъминлайди, кўчатлар экиб, парваришлайди. Шартнома асосида коммунал тармоқларни таъмирлаш, чиқиндиларни саралаш ва ташиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Сервис компанияси маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида салоҳиятли тадбиркорлар орасидан танлаб олинади. Ободончилик ишлари маҳалланинг бюрютмаси ва назорати асосида амалга оширилади. Сервис компаниялари хизматларига тўловлар қилиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларига

ҳар ойда 20 миллион сўмдан маблағ ажратилади. Шунингдек, улар аҳолига 20 дан ортиқ ижтимоий пулли хизматлар кўрсатиши ҳам мумкин бўлади.

Умуман, бу тизим натижасида маҳаллаларга файз киради, одамларда озодалик ва дахлдорлик маданияти кучаяди. Маҳаллада яшовчи усталар ва вақтинча ишчи кишиларнинг бандлиги таъминланади.

Тақдимотда сервис компаниялари аввал тажриба тариқасида 208 та маҳаллада ташкил этилиши белгиланди. Ушбу тажриба натижаси бўйича кейинчилик барча маҳаллаларда жорий қилиш таклифи билдирилди.

Ў.А.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРГА САДОҚАТ НАМУНАСИ

Дунё тамаддунга юз тутибдики, инсонлар ҳолис ва тезкор ахборотга муҳтож. Эрамиздан аввалги 59 йилда ҳукмдор Цезарнинг кўрсатмаси билан лойдан ясалган лавҳачаларда "Acta diurna senatus et populi" — "Сенат ва Рим халқининг кундалик баённомалари" чиқа бошлаган. Кейинчалик ана шу лавҳачалар иккита энг ибтидоий хабарномага айланган, улар "Acta senates" ва "Acta diurna populi romani" деб номланган.

Тарихчилар таъкидлашчи, "Acta senates" раҳбариятнинг ўзига хос жарчиси бўлган. Унда ҳукмдорнинг амру фармонлари ҳамда Сенат янгиликлари эълон қилинган. Шунингдек, башоратлар, об-ҳаво маълумоти ва астрономия янгиликлари ҳам ҳавола этилган. Сабаби, ҳокимият ўзининг айрим қарорларини қабул қилишда айнан шу маълумотларга асосланган. Лойдан ясалган лавҳачадан иборат "Acta senates" ҳукумат биноларининг деворларига ҳам олиб қўйилган.

Мушоҳада

Моҳиятан, шу расмий газетанинг илк кўриниши бўлган, дейиш мумкин.

"Acta diurna populi romani" эса халқ учун мўлжалланган янгиликларни эълон қилган. Улар қисқа сатрлардан иборат эди. Масалан, хабарлардан бирининг матни: "Кеча шаҳар устида кучли бўрон бўлди. Шаҳар чеккасида дуб дарахти чамқок уриши туфайли кулаб тушди". Ёки бошқа бир хабар: "Вино тайёрлаш ертўласида жанжал юз берди. Дўкон эгаси яраланди".

Бу тахтачалардан нусхалар ҳам тайёрланган, яъни "Рим халқининг кундалик баённомалари", замонавий тил билан айтсак, кўп ададли бўлган. Бу нусхалар бозорлар, халқ кўп тўпланадиган жойларда тарқатилган.

Ҳўш, икки минг йилдан кўпроқ даврда нима ўзгарди? Биз, худди аввалгидай, шахримиз, давлатимиз да дунёда юз бер-

ган воқеалар ҳақидаги хабарларни кўздан кечириб чиқамиз. Тўғри, Қадимий Римда яшаган шаҳар фуқароси янгиликлар билан танишиш учун бозорга боришига тўғри келар эди, биз эса — бугунги кунда смартфонимиз экранига бармоқларимизни юргизсак, шунинг ўзи кифоя. Хуллас, бундай ҳаракатларнинг маъно-мазмунини, мақсад-муддао ўша-ўша.

Лекин бугунги замондошимизнинг ахборот олиш бўйича эҳтиёжлари антик дунё одамлариникидан жуда кескин фарқ қилади. Қадимда бирор киши қайсиدير воқеа ёки муҳим масала юзасидан фикрларни эшитмоқчи бўлса, Цицерон каби файласуф ва нотикларнинг маърузасини тинглагани бориши керак эди.

